



30 YEARS OF UZBEKISTAN-UNESCO COOPERATION: HISTORICAL INITIATIVE, DIPLOMATIC SUCCESS AND PROSPECTS

M. A. Asrorhojaeva

Lecturer

Uzbekistan

E-mail: khubsurat@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbekistan, UN, UNESCO, General Conference, 43rd session, historical initiative, resolution of the President, cultural diplomacy, cultural heritage, international events.

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

Abstract: This scientific article explores the new period of Uzbekistan's multilateral diplomacy within the framework of UNESCO: progress in relations, diplomatic success, and prospects. UNESCO has celebrated almost 80 years of activity – 30 years of cooperation with the Republic of Uzbekistan. Along with these significant dates, the unanimous agreement of the Member States was expressed in the proposal to hold the next session of UNESCO's General Conference in Samarkand. The analysis of various foreign sources as confirmation that the success of state diplomacy is recognized at the international level, acquires scientific and practical significance for cooperation between Uzbekistan and UNESCO.

ЎЗБЕКИСТОН-ЮНЕСКО ҲАМКОРЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ: ТАРИХИЙ ТАШАББУС, ДИПЛОМАТИК МУВАФАҚҚИЯТ ВА ИСТИҚБОЛЛАР

M. A. Асрорхўжаева

Ўқитувчи

Ўзбекистон

E-mail: xubsurat@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон, БМТ, ЮНЕСКО, Бош конференция, 43 сессияси, тарихий ташаббус, Президент қарори, маданий дипломатия, маданий мерос, таълим, халқаро тадбирлар.

Аннотация: Мазкур илмий мақола Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО доирасидаги кўп томонлама дипломатияси янги даври, муносабатлардаги фаоллик, дипломатик мувafaққиятлар ҳамда олдинда турган истиқболларни ўрганишга қаратилган. ЮНЕСКОнинг фаолиятига деярли 80 йил -

Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлигига 30 йил тўлди. Ушбу муҳим саналарда Ташкилотнинг навбатдаги Бош конференцияси сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклифига аъзо давлатларнинг бир овоздан розилиги билдирилди. Давлат дипломатиясининг мувафаққияти халқаро миқёсда эътироф этилаётгани тасдиги сифатида турли хорижий манбаларни таҳлил қилиш Ўзбекистон-ЮНЕСКО ҳамкорлиги учун илмий ва амалий аҳамият касб этади.

30 ЛЕТ СОТРУДНИЧЕСТВА УЗБЕКИСТАНА И ЮНЕСКО: ИСТОРИЧЕСКАЯ ИНИЦИАТИВА, ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ УСПЕХИ И ПЕРСПЕКТИВЫ

M. A. Асрорходжаева

преподаватель

Узбекистан

E-mail: khubsurat@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Узбекистан, ООН, ЮНЕСКО, Генеральная конференция, 43-я сессия, историческая инициатива, постановление Президента, культурная дипломатия, культурное наследие, международные мероприятия.

Аннотация: Данная научная статья направлена на изучение нового периода многосторонней дипломатии Узбекистана в рамках ЮНЕСКО, активности в отношениях, дипломатических успехов и перспектив. Исполнилось почти 80 лет деятельности ЮНЕСКО – 30 лет сотрудничества с Республикой Узбекистан. В эти знаменательные даты было выражено единодушное согласие государств-членов на предложение провести в Самарканде очередную сессию Генеральной конференции Организации. Анализ различных зарубежных источников как подтверждение того, что успехи государственной дипломатии признаются на международном уровне, приобретает научное и практическое значение для дальнейшего сотрудничества Узбекистана и ЮНЕСКО.

КИРИШ

2023 йилда Ўзбекистон Республикаси ва ЮНЕСКОнинг ўзаро ҳамкорлигига роппабосса 30 йил тўлди ва шу йил ноябрь ойида 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43 сессиясини кўхна Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича тарихий қарор қабул қилинди. Ташкилот фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга ушбу йирик тадбирни ўтказиш таклифи маъқулланиши Ўзбекистоннинг дипломатик мувафаққияти дея юқори даражада халқаро

ҳамжамият томонидан эътироф этилди[1]. Маълумки, Бош конференция сессиялари ЮНЕСКО қароргоҳи бўлмиш Париж шаҳрида 194 аъзо давлат, 11 асоциациялашган аъзо, 1 кузатувчи ва шу билан бирга бошқа халқаро ташкилотларнинг иштирокида ўтказилиб, Бош конференция нафақат кўлами, балки, ЮНЕСКО фаолияти асосий йўналишларини белгиловчи глобал тадбир эканлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Умуман олганда, бу ва бошқа Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўзаро ҳамкорлик соҳаларининг фаоллашаётгани тенденцияси кўп томонлама дипломатия ва унинг хусусиятлари, ЮНЕСКО имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш борасидаги илмий тадқиқотларни ҳам фаоллаштириш долзарблигини кўрсатади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бош конференция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан, таълим ва маданий соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга иҳтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО фаолиятини амалга оширувчи олий бошқарув органи ҳисобланади. Конференция йигилиши ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб, ассоциациялашган аъзолар ҳамда аъзо бўлмаган давлатлардан кузатувчилар, давлатлараро ва нодавлат ташкилотлар қатнашадилар. Бош конференция ЮНЕСКОнинг барча аъзо-давлатлари вакилларидан ташкил топган бўлиб, ҳар бир мамлакат, унинг аҳолиси, ялпи миллий маҳсулоти ёки ташкилотнинг доимий бюджетига қўшган ҳиссаси ҳажмидан қатъий назар, Бош Конференцияда битта овозга эга[2]. Ушбу анжуманни ўтказиш қарори ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг 30 йиллигига тўғри келиб, муносабатларнинг тобора фаоллашаётгани тенденциясини тасдиқламоқда. Шу ўринда, 2023 йил ноябрь ойида ўтказилган 42 сессияси раиси Симона-Мирела Микулеску таъбири билан айтганда – Ўзбекистоннинг кейинги ЮНЕСКО сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклифи қабул қилингани ва бу бўйича тегишли қарор чиқарилгани Ўзбекистоннинг дипломатик ютуғи эканлигини келтириб ўтиш ўринли бўлади. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан бўлажак сессияни энг юкори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун барча кучини сафарбар этилиши маълум қилиниб[3], 2024 йил март ойида “2025 йилда ЮНЕСКО бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик қўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор қабул қилинди[4]. Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ЮНЕСКО билан муносабатлардаги янги ютуқлар билан табриклаб, 40 йил деганда Париждан ташқарига чиқиш айнан Самарқанд шаҳрига йўналгани энг муносиб қарорлиги Қувайтнинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Адам Ал Мулла томонидан таъкидланди. Ушбу қарорни “фавқулотда ғалаба” деб номлаган Венесуэла элчиси ва АЙСЕСКО кузатувчисининг келтиришича Ўзбекистон

дипломатларининг бу борада олиб борган тинимсиз меҳнатларининг роли катта бўлди[5]. Шу билан бирга, бу қарор БМТ вакиллари, Греция, Саудия Арабистони, Сингапур каби давлатлар элчи-вакиллари ҳамда расмий ОАВ томонидан ўзаро муносабатларнинг самараси юксак баҳоланди[6]. Ҳамкорликнинг ҳолати ҳамда истиқболлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этган ЮНЕСКО бош директорининг ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича ўринbosари турли соҳалар кесимида биргаликда олиб борилаётган чора тадбирларнинг самараси бўйича хulosаларни ёритиб ўтган. Жумладан, ҳозирги вақтда энг актуал мавзу – сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича аҳлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва унда “Абу Райҳон Беруний” номидаги мукофот таъсис этилгани ҳам алоҳида таъкидланди.[7]

Маълумки, Ўзбекистоннинг қўп томонлама дипломатияси асосий таркибий элементларидан бири бу халқаро тадбирлар ҳисобланади[8]. Бу борадаги сўнгти йиллар таҳлили БМТ ва ЮНЕСКО шафелиги ва ҳамкорлигидаги тадбирларнинг анча фаоллашганини кўрсатади. Масалан, биргина Самарқанд шахри қатор долзарб масалаларда глобал мулоқот марказига айланиб улгурганини кузатиш мумкин. Охирги 7 ойнинг ичидаги БМТ мандатига кирувчи уч йирик форумнинг (Бутунжаҳон Туризм ташкилоти БА 25 сессияси, БМТнинг Чўлланиш бўйича конвенциясини амалга ошириш кўмитасининг 21-сессияси, Ёввойи ҳайвонларнинг кўучиб юрувчи турларини сақлаш бўйича Конвенция (CMS COP14) иштирокчилари конференциясининг 14-ийғилиши) самарадор ўtkazilgani буни тасдиқлади. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43 сессиясини Самарқандда ўtkaziш ташабbusinинг маъқуллангани ушбу тенденциянинг изчил давом этаётганини кўрсатади. Умуман олганда, халқаро тадбирларнинг давлат дипломатияси ва ички сиёсатининг турли соҳаларига кўrsatuvchi ҳиссаси юқори эканлигини замонавий тадқиқотлар хulosalariдан ҳам маълум.

Ўзбекистон олимлари ишларида, маданий дипломатиянинг давлатлараро муносабатларда қўлланилиши, мумтоз маданият, аникроғи юксак, асл маънодаги маданиятнигина назарда тутиш билан кифояланмайди. Яъни у бундан бўён бутун халқларни бирлаштирувчи, яқинлаштирувчи ўзига хос воситага айланди ва ҳар бир қатлам учун очиқ тусга киргани билан ажralib туради. Яна ҳам аникроғи, бу фаолият доираси ўта кенг бўлиб, давлат томонидан юритилаётган сиёсатнинг бир томонини акс эттиради. Рассомлар, қўшиқчилар ва бошқа санъат намоёндалари амалга оширувчи тадбирларгина эмас, уларнинг бадиийлиги - фильм ва видео роликларни, ўша давлат тилини, ва ниҳоят академик алмашинувларини ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, кенг аҳоли оммасига қаратилган фаолиятни назарда тутади[8]. Замонавий адабиёт ва илмий ишларда таҳлил

қилиш натижасида, халқаро маданий тадбирлар маданий дипломатиянинг муҳим воситаси сифатида ҳам ўрганилган. Бу йўналишда фаолият юритувчи асосий институт сифатида ЮНЕСКО ўрганилади. Масалан, А.Негруса, В. Тоадер хорижлик олимлар ишларида, юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда, маданий тадбирларни ўтказувчи давлат жамияти ривожига ҳам ниҳоятда катта фойда келтиришини илмий далиллар орқали кўрсатиб берилган бўлиб, улар экологик, ижтимоий, иқтисодий каби йўналишлардан иборат. Умуман олганда, ўтказилган тадқиқот ижобий натижаларни илгари суради ва тадбирларнинг фақатгина фойдали бўлиши хулоса қилинади[9].

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси ўз келажагини буюк ўтмишини унутмаган ҳолда барпо этади. Давлат дипломатияси буюк аждодларимизнинг қолдирган меросига асосланган ҳолда, ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотлар тажрибаси ҳамда дипломатия фани ва санъатининг энг илфор ютуқлари билан бойитилиши назарда тутилган. ЮНЕСКО доирасидаги энг муҳим йўналиш – маданий дипломатия ва унинг асосий воситаси халқаро тадбирларнинг Ўзбекистоннинг халқаро мавқенини юксалишига, тарихий-маданий шаҳар ва обьектларнинг муҳофазаси ҳамда танитилишига катта ҳисса қўшиши олиб борилган тадқиқот натижасида маълум бўлди.

ЮНЕСКО қадриятларини илгари суришда ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи глобал анжуман – Бош конференциясининг 43 сессияси эрамиздан аввалги XII асрдан ҳозирга қадар тарихнинг энг қадимий қиёфаларини сақлаб келаётган Самарқанд шахрида ўтказилиши, шубҳасиз оламшумул ҳодиса бўлиб, ЮНЕСКО мандатига кирувчи таълим, маданият, ёшлар сиёсати каби барча соҳаларда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиги, кўп томонлама дипломатияси томонидан эришилган мувафақиятларини намойиш этиш учун майдон ва уникал имконият вазифасини бажаради. Шу билан бирга Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг ҳамкорлигини янада кенгайтириш, ўзаро муносабатларда қўйилган қатор вазифаларни амалга оширишда тарихий қадам бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қирқ йилдан ортиқ вақт давомида илк бор ЮНЕСКО Бош ассамблеясининг сессияси Париж шаҳридан ташқарида ўтказиладиган бўлди //23.11.2023// Инсон хуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази расмий сайти. URL: <http://nhrc.uz/uz/news/qirq-yildan-ortiq-vaqt-davomida-ilk-boryunesko-bosh-assambleyasining-sessiyasi-parij-shahridan-tashqaridaotkaziladigan-boldi> .

2. Электрон манба. The General Conference determines the policies and the main lines of work of the Organization. URL.: <https://www.unesco.org/en/general-conference> .

3. Ўзбекистон Президенти: Ўзбекистон бўлажак сессияни энг юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун барча кучини сафарбар этади// Тошкент, 23 ноябрь. /«Дунё» АА/. URL: <https://dunyo.info/uzk/prezident-prezident-uzbekistana-nasha-strana-prilozhit-vse-usiliya-dlya-organiza>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2024 йил мартдаги ПҚ-128-сон. URL: <https://lex.uz/docs/6840516>

5. Проведение в 2025 году в Самарканде 43-й сессии Генеральной конференции ЮНЕСКО будет служить глобальному продвижению имиджа Узбекистана и всего региона Центральной Азии// Париж, 24 ноября. /ИА "Дунё"/. URL: <https://dunyo.info/en/actual/provedenie-v--godu-v-samarkande--y-sessii-generalnoy-konferenciyyunes>

6. В штаб-квартире ООН в Нью-Йорке представлен потенциал Самарканда, который примет 43-ю сессию Генеральной конференции ЮНЕСКО в 2025 году// НЬЮ-ЙОРК, 26 февраля. /ИА «Дунё»/. URL: <https://dunyo.info/ru/actual/v-shtab-kvartire-oon-v-nyu-yorke-predstavljen-potencial-samarkanda-kotoryy-primet-43-yu-sessiyu-generalnoy-konferencii-yunesko-v-2025-godu>

7. Габриэла Рамос: Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик барча устувор йўналишларда тизимли равиша кенгайиб бормоқда// 26.12.2023//URL: https://aza.uz/uz/posts/gabriela-ramos-ozbekiston ва-yunesko-ortasidagi-hamkorlik-barcha-ustuvor-yonalishlarda-tizimli-ravishda-kengayib-bormoqda_552013

8. Д.Б.Сайфуллаев Ўзбекистон Республикаси маданий дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Тар.фан.доктори илм.дар...дисс. Т.-2020. Б.77.

9. Батафсил қаранг: Negrușa AL, Toader V, Rus RV, Cosma SA. Study of Perceptions on Cultural Events' Sustainability. Sustainability. 2016; 8(12):1269. <https://doi.org/10.3390/su8121269>